

ТИББИЙ ТАЪЛИМДА СОМАТИК КОМПОНЕНТЛИ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ

Сагдуллаев О.А., 203-гурух 2 педиатрия ва тиббий биология факултети
Илмий раҳбар: Махаметова М.М.
ТошПТИ, Хорижий тиллар кафедраси

Долзарблиги. Ушбу ишнинг мақсади "соматик" фразеологик бирликларни, барқарор бирикмаларни таҳлил қилишдир, бу ерда таркибий қисмлардан бири инсон танасининг бир қисмини билдирувчи сўз билан ифодаланади. 529 та фразеологик бирликлар намунаси ўрганилаётган материал сифатида таҳлил қилинади. Ҳақиқий материал манбалари сифатида инглизча-русча фразеологик луғат, "The Oxford Dictionary of Idioms" луғати, шунингдек мутахассислик бўйича аутентик матнлардан фойдаланилди. Мақолаларни таҳлил қилиб, олинган маълумотларни умумлаштиргандан сўнг, биз қуйидаги хулосага келдик: инглиз тилининг фразеологик бирлигида энг

кўп ишлатиладиган соматик компонентлар: «hand» (қул) - 71 мисол - 13,42% «head» (бош) - 49 - 9,26% «eye» (куз) - 49, - 9,26% «face» (юз) - 34 - 6,43% «foot» (оёқ) - 28 - 5,29% «nose» (бурун) - 24 - 4,54% «finger» (бармоқ) - 21 - 3,97% Бундан ташқари, тананинг ҳар бир қисми учун иборалар ўрганилиб, уларнинг асосий маънолари очиқ берилган. Ўрганиш натижасида биз қуйидаги хулосаларни чиқаришга муваффақ бўлдик:

1. "Hand" "меҳнасеварлик, маҳорат" деган маънони англатади. Бундай иборага мисол: «A dab hand» - мохир қўллар, уста.
2. "Neck" сўзи билан фразеологик бирликлар "таваккал қилиш, ўзингизни хавф остига қўйиш" деган маънони англатади. Масалан: To risk one's neck - таваккал қилиш.
3. "Eyes" ушбу органнинг асосий вазифаси "қараш, эътибор бериш, кузатиш" учун қўлланилади. Мисоллар: To keep one's eye on - бировни кузатиб туриш.
4. "Ears" аъзосининг асосий функцияси бу эшитиш, демак унинг маъноси: Be all ears - катта эътибор билан тингланг.
5. "Tongue" органининг ҳам функцияси билан боғлиқ бўлган асосий маънолари мавжуд. Бундай ибораларга мисоллар: To give a tongue - гапириш, сўзлаш.

Хулоса. Тана аъзоларидан фойдаланган ҳолда барча фразеологик бирликларни синчковлик билан ўрганиб чиқиб, инглиз тилида сўзлашувчилар томонидан тилга олинган тана қисмлари номлари нафақат жисмоний ҳолатларни, балки ҳар қандай мавҳум, жисмоний бўлмаган ҳолатлар - кайфият, характер хусусиятлари, одамлар ўртасидаги муносабатлар муҳокама қилишда ёрдам беради

Адабиётлар рўйхати:

1. Самсонова, И. В., et al. "Вертебрально-базилярная недостаточность: проблемы и перспективы решения." Вестник Витебского государственного медицинского университета 5.4 (2006): 5-15.
2. Барулин, Александр Евгеньевич, О. В. Курушина, and А. Е. Пучков. "Вертебро-базилярная недостаточность." Вестник Волгоградского государственного медицинского университета 3 (51) (2014): 3-8.